

**ЎЗР ФА «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИИЧБ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АХАТОВ ЖАСУРЖОН САИДОВИЧ

**ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИДА ШЎРЛАНГАН
СУВЛАРНИ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯЛИ ИССИҚЛИК ВА ФОТОЭЛЕКТРИК
ЎЗГАРТИРГИЧЛАР ЁРДАМИДА ЧУЧУКЛАШТИРИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ахатов Жасуржон Саидович

Ичимлик суви таъминоти тизимларида шўрланган сувларни куёш энергияли иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгартиргичлар ёрдамида чучуклаштириш..... 3

Ахатов Жасуржон Саидович

Опреснение соленых вод в системах питьевого водоснабжения с помощью тепловых и фотоэлектрических преобразователей солнечной энергии 31

Akhatov Jasurjon Saidovich

Desalination of saline water in drinking water supply systems using thermal and photovoltaic converters of solar energy 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ЎзР ФА «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИИЧБ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АХАТОВ ЖАСУРЖОН САИДОВИЧ

**ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИДА ШЎРЛАНГАН
СУВЛАРНИ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯЛИ ИССИҚЛИК ВА ФОТОЭЛЕКТРИК
ЎЗГАРТИРГИЧЛАР ЁРДАМИДА ЧУЧУКЛАШТИРИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T44 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://fti-kengash.uz/>) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаширилган.

Илмий маслаҳатчи:	Лутпуллаев Сагдулла Лутфуллаевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Искандаров Зафар Самандарович техника фанлари доктори, профессор Кенжаев Идирисбек Гуламович техника фанлари доктори, профессор Рахимов Рустам Хакимович техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Карши муҳандислик-иктисодиёт институти

Диссертация ҳимояси «Физика-Куёш» ИИЧБ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: info.fti@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.А. Заҳидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б., т.ф.д., профессор, академик

Н.Ш. Саидхонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби в.в.б., ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

М.Н. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., т.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Дунё миқёсида ҳозирги вақтда глобал муаммолардан бири аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг маълумотига асосан¹, 1млрд. дан ортиқ аҳоли қурғоқчил ҳудудларда яшайди, сайёра аҳолисининг 1/3 қисми ёки 50дан ортиқ давлатда сув танқислиги мавжуд. Бу масалани ҳал этишнинг бошқа усуллари билан бир қаторда, шўр сувларни чучуклаштириш муҳим вазифа бўлиб, уни амалга оширишда турли технологияларнинг энергия сарфини ҳисобга олиш зарур. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб марказлашган энергия ҳамда ичимлик суви таъминоти тизимларидан узоқда жойлашган аҳоли учун автоном ичимлик суви таъминоти тизимларини ишлаб чиқиш ва яратишга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан қуёш энергиясидан фойдаланиш углеводород ёқилғи-энергетик ресурсларини тежаш ҳамда ҳудудлар аҳолиси ижтимоий аҳолини яхшилашга олиб келади. Бу йўналишда турли усуллардан фойдалиб, шўр сувларни чучуклаштириш учун қуёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгартгичлардан кенг фойдаланиш бўйича жадал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда мазкур йўналишда турли технологияларни инобатга олган ҳолда, чучуклаштириш жараёнларининг самарадорлигини оширишга катта эътибор берилади. Бундай технологиялар орасида тесқари осмос усули умумий ўрнатилган кувватдан 60% улуш билан етакчи ўринни эгаллаган бўлса, кўп босқичли дистиллаш усули 26,5% улуш билан иккинчи ўринда туради². Сув чучитиш қурилмалари умумий куввати 2017 йилда кунига 79 миллион м³ дан 2019 йилга келиб кунига 97,4 миллион м³ га етди³. Бу йўналишда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига ишловчи чучитиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, техник-иқтисодий кўрсаткичларини мақбуллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида инновацион технологияларни ривожлантиришга, жумладан қуёш сув чучутгичларини ишлаб чиқиш, улардаги иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштиришнинг илмий ва муҳандислик асосларини ишлаб чиқиш, конструктив ва иссиқлик техникавий кўрсаткичларини оптималлаштириш, шунингдек улардан ичимлик суви таъминотида фойдаланиш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда, хусусан, замонавий материаллардан фойдаланган ҳолда қуёш сув чучутиш қурилмаларининг янги авлодларини ишлаб чиқиш ва яратиш, шунингдек автоном ичимлик суви таъминоти тизимларининг иссиқлик самарадорлиги ва ишлаб-чиқариш кувватини ошириш мақсадида қуёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгартгичлардан фойдаланиш борасида муҳим

¹ World Water Resources and their Use, UNESCO. URL: <http://www.unesco.org>

² International Desalination Association (IDA) Year Book -2016-2017. URL: [//www.idadesal.org](http://www.idadesal.org)

³ International Desalination Association (IDA) Year Book -2018-2019. URL: [//www.idadesal.org](http://www.idadesal.org)

натижаларга эришилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш...» вазифалари белгиланган⁴. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан қуёш сув чучутиш қурилмалари самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг иссиқлик техникавий кўрсаткичларини мақбуллаштириш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сон «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчан энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлатиш усулларини ривожлантириш, бошқа илғор технологиялар ва фотоника, нанотехнологиялар асосидаги қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵.

Иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш ҳамда қуёш сув чучутгич қурилмалари иссиқлик техникавий кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб илмий тадқиқот марказларида, жумладан Аризона университетида, Висконсин университетида, Жанубий Флорида университетида (АҚШ), М.В. Келдиш номидаги тадқиқот марказида, Кубан давлат университетида (Россия), Фраунгофер институтида, Ахен университетида, Карлсруэ амалий фанлар университетида (Германия), Мадрид автоном университетида, Plataforma solar de Almeria at CIEMAT илмий марказида (Испания), Эдинбург университетида, Манчестер университетида (Буюк Британия), Технион - Исроил технологик университетида (Исроил), Яқин шарқ техника университетида (Туркия), Хитой фанлар академияси

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: Даффи Дж., Бекман У. Основы солнечной теплоэнергетики. Пер. санг. – Долгорудный: Издательский дом «Интеллект», 2013. –С. 888; A review of the water desalination systems integrated with renewable energy”, Energy Procedia, Vol. 110, pp. 268-274, 2017; Present status of Solar Distillation. Solar Energy 75 (2003) 367-373; Multi-objective optimization of solar Rankine cycles coupled with reverse osmosis desalination considering economic and life cycle environmental concerns. Desalination 2012, 286, 358–371; Renewable energy-driven desalination technologies: A comprehensive review on challenges and potential applications of integrated systems”, Desalination, Vol. 356, pp. 94–114, 2015; <https://idadesal.org>; <https://irena.org>; <http://www.ren21.net>; <http://www.edsoc.com>; <http://www.iwmi.cgiar.org> ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

Электротехника институтида (Хитой), Токио технология институтида (Япония), Миллий куёш энергияси марказида (Хиндистон), «ГУН» ИИЧБсида (Туркменистон) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» ИИЧБсида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда куёш сув чучутиш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан пирамида шаклидаги шаффоф қопламали куёш сув чучутгичлар ишлаб чиқилган ва яратилган (Жанубий водий университети, Миср), буғланиш қурилмалари билан бирлаштирилган куёш чучутгичлари ишлаб чиқилган (Аризона университети, АҚШ; Ганновер университети, Германия), DASC – «Direct absorption solar collector» тамойили асосида наносуюқликлардан фойдаланиб ишловчи куёш коллектори ишлаб чиқилган бўлиб, натижалар фойдали иш коэффициентининг сезиларли ошганини кўрсатади (Янги жанубий Уэльс университети, Австралия), Рэнкин циклида ишловчи тескари осмос жараёнига асосланган куёш чучутгичлари ишлаб чиқилган (Кипр олий техник университети, Кипр; Ла Лагуна университети, Испания; Қайта такланадиган энергия манбалари маркази (CRES), Греция; Карлсруэ технология институти, Германия), шамол ва куёш энергиясидан биргаликда фойдаланиб ишловчи тескари осмос жараёнига асосланган тизим ишлаб чиқилган (Афина қишлоқ хўжалиги университети, Греция).

Ҳозирги кунда дунёда қайта тикланувчи энергия манбалари ресурларини, худуднинг жойлашуви ва топографиясини ҳисобга олган ҳолда, куёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгартгичлардан фойдаланиб ишловчи куёш сув чучутиш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар куёш энергиясини иссиқликка айлантириш ва ундан сувни чучуклаштириш учун фойдаланиш масалалари Хиндистон технология институтининг энергетик тадқиқотлар марказида (Хиндистон) ўрганилган бўлиб, куёш сув чучутгичлари иссиқлик самарадорлиги ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган; Яқин шарқ чучуклаштириш тадқиқот марказида (Уммон) бир босқичли, икки қаватли шаффоф тўсиқ қатламлари орасидан шўр сув оқимида эга, куёш сув чучутиш қурилмаси иш режими математик модели ишлаб чиқилган; Мердок университетида (Австралия), сув чучутиш қурилмаси самарадорлиги ҳамда тан нархига таъсир қилувчи коллекторнинг параметрларини ҳисобга олган ҳолда қурилма оптимал кўрсаткичларини аниқлаш амалга оширилган.

Куёш сув чучутиш қурилмаларининг турли конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларнинг иссиқлик техникавий, экологик ва иқтисодий кўрстагичларини ҳисобий ва тажрибавий тадқиқ этиш борасида олимлар томонидан муҳим натижаларга эришилган бўлиб, улар орасида В.Б. Вейнберг, В.В. Вейнберг, К.Т. Трофимов, В.А. Баум, Г.Я. Умаров, П.М. Брдлик, Р.Б. Байрамов, А.Н. Текучев, Р.Р. Аvezов, Б.М. Ачиллов, А.Б. Вардияшвили, Т.Д. Жураев, Ш.И. Клычев ва А. Исманжановларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур соҳада, қуёш сув чучутгичларининг турли конструкцияларини яратиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар бўлишига қарамасдан, қурилмалар ишлаб-чиқариш қувватини оширишга олиб келувчи, кўп босқичли тизимлар ёрдамида иссиқликдан регенератив фойдаланиш масаласига етарлича эътибор қаратилмаган. Ушбу тадқиқотларда қуёш сув чучутгич қурилмаларида наносуюқликлардан фойдаланиш ҳисобига улардаги иссиқлик узатиш жараёнларини жадаллаштириш масаласи амалда қаралмаган. Шунингдек қуёш сув чучутгичлари самарадорлигини ошириш мақсадида қуёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгартгичлардан биргаликда фойдаланиш етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Физика-техника институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А13-Ф-096 «Тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмасининг намунавий нусхасини ишлаб чиқиш ва яратиш» (2009-2011), М/Узб-КНР-19/2015 «Наносуюқликли иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик физикавий хусусиятларини ва уларнинг паст потенциалли қуёш қурилмалари иссиқлик техникавий кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш» (2016-2017) ҳамда ФА-Атех-2018-422 «Қуёш қурилмаларида иссиқлик ташувчи сифатида ишлатиш учун наносуюқликли иссиқлик ташувчиларни олиш ва самарали фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуёш сув чучутиш қурилмаларида юз берувчи иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш, иссиқлик техникавий, техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда мақбул иш режимларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмалари қисмларида юз берувчи иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш, эксергетик таҳлил асосида уларнинг иссиқлик техникавий кўрсаткичларини аниқлаш;

кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмалари тажриба нусхасини ишлаб чиқиш ва яратиш ҳамда уларнинг ишлаб-чиқариш қуввати ва иссиқлик самарадорлигини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотларни амалга ошириш;

қуёш иссиқлик қурилмаларида, шунингдек қуёш сув чучутгичларида иссиқлик ташувчи сифатида фойдаланиш мақсадида оксид материаллар нанозаррачалари асосидаги наносуюқликларни олиш ва уларнинг иссиқлик физикавий хусусиятларини ўрганиш;

кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасида иссиқлик манбаи сифатида ишлатилувчи қуёш коллекторининг полимер материалларга асосланган ҳамда наносуюқликли иссиқлик ташувчидан фойдаланиб ишловчи янги конструкциясини ишлаб чиқиш;

тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмасини ишлаб чиқиш, мазкур типдаги қурилмалар ишлаб-чиқариш қувватига таъсир

этувчи асосий омилларни аниқлаш, қурилма тажриба нусхасини яратиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотларни амалга ошириш, уларнинг иш режимларини мақбуллаштириш;

қаралаётган қуёш сув чучутиш қурилмаларидан ичимлик суви таъминотида фойдаланишда уларнинг техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти қуёш иссиқлик (наносуюқликли иссиқлик ташувчига эга кўп босқичли) ва тескари осмос жараёнига асосланган (қуёш фотоэлектрик ўзгартиргичли) сув чучутиш қурилмалари.

Тадқиқотнинг предмети қуёш энергиясини иссиқликка айланиш қонуниятлари ҳамда қуёш сув чучутиш қурилмалари тегишли қисмларида юз берувчи иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш учун қуёш энергиясини иссиқликка айланттириш ҳамда иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш усуллари қўлланилиб, улар воситасида қуёш сув чучутиш қурилмалари иссиқлик самарадорлиги ва унумдорлиги аниқланган. Қаралаётган қуёш сув чучутиш қурилмалари асосий иссиқлик техникавий, техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини аниқлаш учун ҳисоблаш ҳамда тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш ва натижаларни қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмалари ишлаб-чиқариш қувватини аниқлаш учун, эксергетик таҳлилга асосланган, температурага боғлиқ равишда юз берувчи иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини ҳисобга олувчи, иссиқлик режимларининг математик модели ишлаб чиқилди;

қуёш сув чучутгичлари температура режимлари 40°C дан 90°C гача диапазонда ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, уларда иссиқлик ташувчи сифатида ишлатиш мақсадида оксид материаллар (SiO_2 ва Al_2O_3) нанозаррачалари асосидаги наносуюқликлар олинди ва уларнинг иссиқлик физикавий хоссалари (қовушқоқлик ва иссиқлик ўтказувчанлик) аниқланди;

қуёш сув чучутиш қурилмасида иссиқлик манбаи сифатида ишлатиш учун полимер материаллар (полиамид ва поликарбонат)га асосланган ва наносуюқликли иссиқлик ташувчига эга қуёш коллекторининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди;

кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасининг такомиллаштирилган, иссиқлик самарадорлиги мавжуд аналогларга нисбатан 15%га юқори бўлган, иқтисодий рентабел янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва қурилманинг тажриба нусхаси яратилди;

илк бор тескари осмос жараёнига асосланган, қуёш фотоэлектрик ўзгартгич ҳисобига ишловчи, автоном, мобил қуёш сув чучутиш қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва тажрибавий нусхаси яратилди;

тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмасининг эксергетик таҳлил асосида температурага боғлиқ бўлган мақбул (25°C-35°C

диапазонда) иш режимлари аниқланди, ва шу асосида қурилманинг қуёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгартгичлардан фойдаланиб ишловчи конструкцияси принципиал схемаси ишлаб чиқилди;

ишлаб чиқилган қуёш сув чучутиш қурилмаларининг техник-иқтисодий (қоплаш муддати 0,2 дан 1,5 йилгача бўлган) ва экологик (атроф муҳитга CO_2 оқимини йилига 13358кг гача камайтиришга олиб келувчи) кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, улардан республиканинг чекка ҳудудларида автоном ичимлик суви таъминоти тизими сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

наносуюқликли иссиқлик ташувчига эга полимер қуёш коллекторидан фойдаланиб ишловчи кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва қурилманинг тажриба нусхаси яратилди;

қуёш иссиқлик қурилмаларида, жумладан қуёш сув чучутишларида иссиқлик ташувчи сифатида ишлатиш учун SiO_2 ва Al_2O_3 нанозаррачалари асосидаги наносуюқликли иссиқлик ташувчилар олинди;

тескари осмос жараёнига асосланган, унумдорлиги 100 литр/кун бўлган қуёш сув чучутиш қурилмаси ишлаб чиқилди ва яратилди, қурилма табиий шароитларда муваффақиятли синовдан ўтказилди ҳамда ушбу технология серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ўлчаш асбоблари ёрдамида олинган ва қайта ишланган маълумотлардан фойдаланилганлиги, қуёш сув чучутиш қурилмалари иссиқлик техникавий кўрсаткичларини аниқлашнинг замонавий иссиқлик ҳисоби ва моделлаштириш услубларидан фойдаланилганлиги, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, ҳисобий ва тажрибавий натижаларнинг мослиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти қуёш сув чучутиш қурилмалари иссиқлик ҳисоби услубларини ривожлантириш билан бирга уларнинг иссиқлик техникавий, энергетик ва экологик кўрсаткичларини мақбуллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти полимер материаллар ва наносуюқлик асосидаги иссиқлик ташувчилардан фойдаланиш ҳисобига тан нархи икки баробарга арзонлашган янги авлод қуёш сув чучутиш қурилмалари конструкциясини ишлаб чиқилганлиги ва яратилганлиги билан изоҳланади.

Ишлаб чиқилган қуёш сув чучутиш қурилмалари ишлаб-чиқариш қувватини аниқлаш, шунингдек мазкур қурилмалардан фойдаланиш натижасида атмосферага чиқариладиган CO_2 оқимини камайтириш борасидаги тадқиқотлар натижалари тегишли давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига анъанавий ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш ҳамда атроф муҳитга CO_2 оқимини камайтиришга қаратилган турли лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси иссиқлик кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Бухоро давлат университетида амалга оширилган «Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини янада такомиллаштириш, улардаги жараёнларни моделлаштириш ва тадқиқ қилиш» амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 09.12.2020 йилдаги №89-03-5138 сонли маълумотномаси). Натижада кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси самарадорлигини Бухоро вилояти шароитида аниқлаш имконини берган.

Қуёш сув чучутиш қурилмаларида иссиқлик ташувчи сифатида ишлатилувчи SiO_2 и Al_2O_3 нанозаррачалари асосидаги наносуюқликларни олиш ва уларнинг иссиқлик физикавий хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида амалга оширилган «Наносуюқликларда фазавий ўзгаришлар ва узатиш ҳодисаси» фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (ЎзР ФАнинг 09.12.2020 йилдаги №2/1255-2763 сонли маълумотномаси). Натижада кремний кўшқисли ва базавий суюқлик сувдан иборат наносуюқликнинг турли концентрация ва температураларда иссиқлик узатиш коэффициентини аниқланган.

Тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмаси янги конструкциясини ишлаб чиқиш ва яратиш ҳамда унинг техник кўрсаткичлари ва унумдорлигини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалардан хорижий ишларда фойдаланилган [Desalination, 353, 57-74, 2014, IF:7,09; Sustainable Energy Technologies and Assessments, 42, 2020, Article ID 100884, IF:3,4; Renewable and Sustainable Energy Reviews, 97, 456-477, 2018, IF:12,11; Energy, 112, 164-178, 2016, IF:6,04 в.б.] бўлиб, қуёш фотоэлектрик ўзгарткичларга эга тескари осмос жараёнига асосланган қурилмалар техник-иқтисодий кўрсаткичларини оптималлаштириш ва уларнинг турли қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиб ишловчи конструкцияларини яратиш бўйича таҳлилни ўтказиш имконини берган.

ЎзР ФА Физика-техника институти ҳамда «Solar Development Systems» МЧЖ ўртасида тузилган Лицензия Шартномасига (29.03.2020 йилдаги №1-сонли шартнома) асосан «Автоном сув чучутиш қурилмаси»ни (20.06.2014 йилдаги №FAP00891) яратиш технологияси серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида «Solar Development Systems» МЧЖга берилган («Узэлтехсаноат» АКнинг 17.12.2020 йилдаги №04-1/2366 сонли маълумотномаси). Қурилмани серияли (йилига 1000та) ишлаб чиқаришни ташкил этишдан қутилаётган йиллик иқтисодий самара: йилига 30 минг м^3 чучук сув ишлаб чиқариш. Битта қуёш сув чучутиш қурилмасидан фойдаланиш натижасида йилига ичимлик суви сотиб олиш учун сарфланадиган 15 млн. сум маблағ тежалади. Шунингдек қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига атроф муҳитга чиқариладиган CO_2 оқими кўмир билан таққослаганда 13358 кг/йил гача, табиий газ билан таққослаганда 3787 кг/йил гача қисқаради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 8 та халқаро конференция ва анжуманларда, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та (11 та халқаро ва 3 та республика журналларида) мақола нашр этилган, 13 та халқаро ва республика миқёсидаги конференциялар материалларида тезислар чоп қилинган, 1 та фойдали модел учун патент ва ЭХМлар учун 2та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 110 та расм ҳамда 10 та жадвални ўз ичига олиб, 187 бетни ташкил этади.

Муаллиф мазкур диссертация иши доирасидаги тадқиқотларни олиб боришда ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани ҳамда муаллифнинг умумий илмий фаолиятида тутган ўрнини таъкидлаган ҳолда, марҳум профессор Р.Р. Аvezовга чуқур миннатдорчилик билдиришни ўзининг бурчи деб билади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объект, предмет ва услублари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ушбу йўналишда хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиб шўр сувларни чучутиш: зарурат, ҳолат ва ривожланиш тенденцияси**» деб номланган биринчи бобда дунёда ичимлик суви таъминоти, ресурсларни баҳолаш, шунингдек чучук сув захиралари бўйича маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонда сув ресурсларини баҳолаш ҳамда ичимлик суви таъминоти ҳолати баён қилинган. Қайта тикланувчи энергия манбаларини (ҚТЭМ) қўллаган ҳолда чучутиш қурилмаларидан фойдаланишни ривожлантиришнинг дунёдаги замонавий тенденциялари таҳлил қилинган. Мазкур диссертация доирасида қараладиган асосий илмий-техникавий вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасининг иссиқлик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ҳисобий ва тажрибавий тадқиқотлар**» деб номланган иккинчи бобда қуёш сув чучутиш қурилмаларининг ишлаб-чиқариш қуввати ва иссиқлик самарадорлигини оширишнинг конденсация иссиқлигидан кўп мартали фойдаланишга асосланган услуби ишлаб чиқилди. Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмалари иссиқлик режимларининг математик модели ишлаб чиқилди. Уларнинг унумдорлиги ва иссиқлик самарадорлигини аниқлаш бўйича сонли ҳисоблашлар бажарилди. Қурилмалар тажрибавий нусхалари ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг унумдорлигини аниқлаш учун тажрибалар амалга оширилди.

Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси учун ҳисоблаш моделини ишлаб чиқишда парниксимон чучутгич учун моделга кўп мартали буғланиш ва конденсация жараёнларини ҳисобга олиб ўзгартиришлар киритган ҳолда фойдаланилди. Маълумки, парниксимон қуёш сув чучутиш қурилмалари механик ёки электр энергияси кўринишдаги энергия ишлаб чиқармайдиган иссиқлик ўзгартгич ҳисобланиб, уларнинг эксергетик самарадорлиги алоҳида қисмларида юз берувчи оптик ва иссиқлик жараёнларни баҳоловчи катталиқдир. Қурилманинг иссиқлик (эксергетик) самарадорлигини аниқлаш учун иссиқлик ва масса алмашинувни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир қисм учун баланс тенгламалари тузилади.

Бу сув чучутиш қурилмаларида иссиқлик нурланиш, буғланиш ва конвекция йўли билан узатилади, яъни йиғинди иссиқлик узатиш коэффиценти (α^E), қуйидагича аниқланади:

$$\alpha^{\Sigma} = \alpha_{\text{изл}} + \alpha_{\text{исп}} + \alpha_{\text{кон}} \quad (1)$$

$\alpha_{\text{изл}}$, $\alpha_{\text{исп}}$, $\alpha_{\text{кон}}$ – мос равишда, нурланиш, буғланиш ва конвектив иссиқлик узатиш коэффициентлари бўлиб, уларнинг қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\alpha_{\text{изл}} = \frac{\varepsilon \sigma ((T_{\varepsilon} + 273,15)^4 - (T_c + 273,15)^4)}{(T_{\varepsilon} - T_c)} \quad (2)$$

$$\alpha_{\text{исп}} = 16,273 \cdot 10^{-3} \alpha_{\text{кон}} \quad (3)$$

$$\alpha_{\text{кон}} = C(Gr \cdot Pr)^n \frac{\lambda}{\delta} \quad (4)$$

бу ерда T_{ε} ва T_c – мос равишда, буғланиш ва конденсация сиртлари температураси; ε – қорайганлик даражаси; σ – Стефан-Больцман доимийси; Gr – Грасгоф критерияси; Pr – Прандтл критерияси; λ – иссиқлик узатиш коэффициенти; δ – буғланиш ва конденсация сиртлари орасидаги масофа; C ва n коэффициентлари қийматлари Грасгоф критерияси қийматига мос равишда ўзгаради.


Бир босқичли парник типидagi қуёш сув чучутгич (1-расм) иссиқлик эксергияси қуйидагича ифодланади:

$$E_{\text{экс,ч}} = \alpha_{\text{исп,э}} \left[(T_{\varepsilon} - T_c) - (T_{\text{о.с.}} + 273,15) \ln \left(\frac{T_{\varepsilon} + 273,15}{T_c + 273,15} \right) \right] \quad (5)$$

Мазкур сув чучутгичнинг оний иссиқлик самарадорлиги эса қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\eta_i = \frac{\dot{q}_{\text{исп,э}}}{\dot{q}_{\text{пад}}} = \frac{\alpha_{\text{исп,э}}(T_{\varepsilon} - T_c)}{\dot{q}_{\text{пад}}} \quad (6)$$

Бир босқичли актив қуёш сув чучутгичларида (1-расм) буғланиш ва конденсация сиртлари орасидаги температуралар фарқи, иссиқлик ташувчини иситиш юз берувчи қуёш коллектори ҳамда сув буғланиши ва сув буғларининг конденсацияси натижасида конденсат ҳосил бўлиши жараёнлари содир бўлувчи буғланиш-конденсация камерасининг бирлаштирилиши ҳисобига эришилиши мумкин.



Бир босқичли парниксимон чучутгич

Бир босқичли актив парниксимон чучутгич

Кўп босқичли актив чучутгич

1-расм. Қаралаётган бир ва кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмалари принципал схемалари

Мазкур ҳолатда чучутгичнинг иссиқлик кўрсаткичларини ҳисоблашда қуёш коллекторини иссиқлик манбаи сифатида қўлланилаётгани ҳисобга олинади, чунки коллекторнинг чиқувчи кўрчатгичлари буғланиш-конденсация камераси учун кирувчи ҳисобланади.

Ушбу актив қуёш сув чучутгич қурилмасининг эксергетик самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги ифода ўринлидир:

$$\eta_{\text{мен,эк}} = \frac{\alpha_{\text{эфф}} \left[(T_g - T_c^{\text{РНМ}}) - (T_{0,с.} + 273,15) \ln \left(\frac{T_g + 273,15}{T_c^{\text{РНМ}} + 273,15} \right) \right] F_{\text{под}}}{(0,933) [F_{\text{под}} q_{\text{под}}(t) + F_{\text{кол}} q_{\text{под}}(t)]}. \quad (7)$$

бу ерда r – яширин буғланиш иссиқлиги; $F_{\text{кол}}$ ва $F_{\text{под}}$ – мос равишда қуёш коллектори ва буғланиш сирти юзалари.

Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасининг мавжуд конструкцияларида⁶ сув буғларининг конденсация иссиқлигидан рекуператив фойдаланиш ҳисобига қурилма ишлаб-чиқариш қуввати ва иссиқлик самарадорлигини ошириш бўйича ижобий натижалар берган. Лекин, шунга қарамадан, иссиқлик манбаи сифатида қуёш коллекторидан фойдаланиш натижасида қурилманинг тан нархи ошди. Ушбу масалани ҳал этиш учун мазкур ишда қурилманинг иссиқлик кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда унинг тан нархини тушириш вазифаси қўйилди. Бу вазифа эса полимер материаллар асосидаги янги авлод қуёш коллекторларидан фойдаланиш ҳамда кўп босқичли буғланиш - конденсация камерасининг конструкциясини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади (1-расм).

Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси ҳар бир босқичи учун энергетик баланс тенгламалари асосида иссиқлик ҳисоби услуби ишлаб чиқилди. Масалан, i -чи босқичдаги сув учун ушбу тенглама қуйидагича:

$$m_{\text{вi}} C_{\text{вi}} \frac{dT_{\text{вi}}}{dt} = \alpha_{\text{к}(i+1)} F_{\text{ки}} (T_{\text{ки}} - T_{\text{вi}}) + \alpha_i F_{\text{вi}} (T_{\text{к}(i+1)} - T_{\text{вi}}) \quad (8)$$

Мос равишда иссиқлик узатиш коэффициентлари учун қуйидаги ифодалардан фойдаланилади:

$$\alpha_{\text{кон.в-к}} = 0.884 \left[(T_g - T_k) + (T_g + 273) \frac{P(T_g) - P(T_k)}{268.9 \cdot 10^3 - P(T_g)} \right]^{1/3} \quad (9)$$

$$P(T) = \exp \left(25.317 - \frac{5144}{T + 273} \right) \quad (10)$$

$$\alpha_{\text{и.в-к}} = \varepsilon_{\text{эфф}} \sigma \left[(T_g + 273)^2 + (T_k + 273)^2 \right] (T_g + T_k + 546) \quad (11)$$

$$\varepsilon_{\text{эфф}} = \left(\frac{1}{\varepsilon_k} + \frac{1}{\varepsilon_g} - 1 \right)^{-1} \quad (12)$$

$$\alpha_{\text{исп.в-к}} = 16.273 \cdot 10^{-3} \alpha_{\text{кон.в-к}} \frac{P(T_g) - P(T_k)}{T_g - T_k} \quad (13)$$


(9), (11) ва (13) ифодалар, мос равишда: -конвектив ($\alpha_{\text{кон.в-к}}$), -нурланиш билан ($\alpha_{\text{и.в-к}}$), - ва буғланиш ($\alpha_{\text{исп.в-к}}$) йўли билан иссиқлик узатиш коэффициентларини аниқлаш учун.

Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси иссиқлик режимларини аниқлаш ва олинган натижалар таҳлили: ночизикли дифференциал



⁶ Ахатов Ж.С. Разработка и исследование солнечных парниковых водоопреснителей с многоступенчатыми рекуперативными испарительно-конденсационными камерами: Авт.канд.дис.-Ташкент, 2007.- 22с.

тенгламалар системаси сонли усул ёрдамида ечилади. Уларни «ошкор услуб» ёрдамида алгебраик тенгламалар системаси кўринишига келтириб, кетма-кет яқинлашиш (итерация) улуси ёрдамида ишланади. Visual C+ муҳитида ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган ва яратилган.

2-расмда мазкур ҳисоблаш модели алгоритми блок схемаси тасвирланган. Ҳисобий тажрибалар ўтказишда атроф температураси 20°C дан 30°C гача ораликда ўзгарган бўлса, куёш нурланиши оқим зичлиги 1100Вт/м² гачани ташкил этган. 3-расмда мазкур қурилма тегишли босқичларида сув температураси ўзгаришининг ҳисобий қийматлари келтирилган. Графиклардан кўринадикки (3-расм а) ва б)), биринчи ва қолган кунлар, иккинчи кундан бошлаб, орасида фарқ кузатилади. 3-расмда б) тажрибалар 6-кунида бошланғич температуралар тасвирланган, қайсики кун бошида 31°C дан 40°C гача ораликда ўзгаради. Шунингдек босқичлардаги сувлар температура-тураси максимал қийматлари кун ярмида 40°C дан 90°C гача (1-кун), ва 42°C дан 95°C (6-кун) ўзгаради.




2-расм. Ҳисоблаш модели алгоритми блок схемаси: T' - температуранинг яқинлашган қиймати; T_o - бошланғич температура.




3-расм. Чучутгич босқичларидаги сув температуралари ўзгаришининг ҳисобий қийматлари а) -биринчи ва б) -олтинчи кун давомида

4-расмда қурилма босқичларида иссиқлик узатиш коэффициентлари алоҳида *a)*, ва йиғинди *б)*, ҳисобий қийматлари тасвирланган. Маълумки бундай тизимларда йиғинди иссиқлик узатиш коэффициенти нурланиш, буғланиш ва конвекция ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ушбу қурилмада, буғланиш ва конденсация жараёнлари юз беришида, буғланиш билан узатилувчи иссиқлик асосий ҳисобланади.

5-расмда чучутгич босқичларидан чиқувчи конденсат миқдори тасвирланган. Графикдан кўринадики, мазкур қурилмада инерция ҳисобига конденсат чиқиши Қуёш ботгандан кейин ҳам давом этади. Ҳисоблаш натижалари кўрсатадики, юқорида қайд этилган шароитларда ҳар бир босқичдан чиқувчи конденсат максимал миқдори мос равишда $0,15\text{кг}/\text{м}^2\text{соат}$ дан $0,45\text{кг}/\text{м}^2\text{соат}$ гача ўзгаради. Қурилманинг кунлик умумий ишлаб-чиқариш қуввати эса ҳар бир м^2 юзадан $7,0\text{-}8,0$ литрни ташкил этади.



4-расм. Йиғинди иссиқлик узатиш коэффициенти ҳисобий қийматлари



5-расм. Чучутгич босқичларидан чиқувчи конденсат миқдори

Тажрибавий тадқиқотлар. 1-расмда тасвирланган принципиал схема асосида кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси тажриба нусхаси ишлаб чиқилди ва яратилди, унинг умумий кўриниши 6-расмда келтирилган.




6-расм. Қурилманинг умумий кўриниши




Қурилманинг мазкур тажриба нусхасида, олдинги конструкциядан фарқли равишда, полимер материал асосидаги қуёш коллектори ҳамда шўр сувни сақлаш учун бак билан мужассамлашган, зангламайдиган пўлат ва полимер материаллар асосидаги кўп босқичли буғланиш камераси қўлланилган.

7-расмда қурилма босқичларида сув температурасининг тажрибавий қийматлари тасвирланган. Графиклардан кўринадики уларнинг максимал қийматлари мос равишда, (биринчидан бешинчи босқичгача), 80°C дан 35°C гача ўзгаради.




7-расм. Босқичлардаги температуралар тажрибавий қийматлари ўзгариши



8-расм. Чучутгич босқичларидан чиқувчи чучук сув миқдори

8-расмда мазкур чучутгич ҳар бир босқичидан чиқувчи чучук сув миқдори тасвирланган. Қиёсий таҳлил натижалари ҳисобий (5-расм) ва тажрибавий (8-расм) натижалар мослигини кўрсатди. Шу билан бирга қурилманинг ҳар бир кв.м. юзасидан умумий унумдорлиги кунига 7,0 литр чучук сувни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич қуёш нурланиши юқори бўлган ёз кунларида 7,5-8,0 литрга етиши аниқланди. Ҳисобий ва тажрибавий тадқиқотлар натижалари кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасида максимал босқичлар сони, ундаги босқичлар орасидаги температуралар фарқи (8-10°C), ҳамда ишлаш температураси диапазони (60-80°C) ҳисобга олган ҳолда, 5тани ташкил этишини кўрсатди.

Бугланиш ва конденсация камералари ажратилган кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси иссиқлик кўрсаткичларини ҳисоблаш: мавжуд конструкциялардан тубдан фарқ қилувчи, ажратилган бугланиш ва конденсация камераларига эга кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси янги конструкцияси ишлаб чиқилди, унинг принципиал схемаси 9-расмда тасвирланган.




9-расм. Бугланиш ва конденсация камералари ажратилган кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси принципиал схемаси:

СК- қуёш ҳаво иситиш коллектори; ИК- бугланиш камераси; КОН- конденсатор; ТО- иссиқлик алмашигич; ПВ- чучук сув; ВЗД- ҳаво насоси; ВДН- сув насоси; ФЭП, КЗ, АБ, ИН- мос ҳолда, фотоэлектрик панел, контроллер, аккумулятор, инвертор; ВЗФ-ҳаво филтри; ДВ- намлик датчиги; ДДТ- босим ва ҳарорат датчиги; ДТ- ҳарорат датчиги; В-бурагич.


Мазкур қурилманинг ишлаш принципи қуйидагича: дастлаб шўр сув насос (фотоэлектрик станция ёрдамида ишловчи) ёрдамида (50м гача) чучутгичга узатилади. Сув, иссиқлик алмашгичдан датлабки исишдан ўтиб, конденсаторга, яъни буғланиш камерасидан чиқувчи буғ-ҳаво аралашмаси-нинг конденсирланиши юз берувчи босқичга юборилади. Натижада ҳосил бўлган конденсат йиғувчи идишда тўпланади. Қурилмада иссиқлик манбаи сифатида қуёш Ҳаво коллектори ишлатилади. Иссиқ Ҳаво насос ёрдамида буғланиш камерасига узатилади. Мазкур қурилмада ишлаб чиқаришда қўлланилувчи, техник кўрсаткичлари аниқ бўлган, иссиқлик алмашгич ва конденсатор каби стандарт қисмлар ишлатилади.

Шўр сув ва иссиқ Ҳавонинг қарама-қарши оқими амалга ошувчи кўп босқичли буғланиш камераси ҳам ишлатилади. Унинг иссиқлик кўрсаткичларини баҳолаш учун барча қисмлари учун энергетик баланс тенгламалари тузилиб, тенгламалар системаси сонли усулдан фойдаланган ҳолда «ошкор услуб» ёрдамида ишланади.

Ҳисоблашлар натижаси. Буғланиш камерасининг, мос равишда, атроф муҳит температурасининг (10°C, 20°C ва 30°C), кирувчи Ҳаво намлигининг (10%, 40% ва 80%), ҳамда кирувчи Ҳаво тезлигининг (0,1 м/с дан 1,0 м/с гача) қийматларида, иссиқлик самарадорлиги ва буғланиш тезлиги аниқланди. 10-расмда (а,б), атроф муҳит температураси 10°C ҳамда кирувчи Ҳаво тезлиги 0,7м/с бўлган ҳол учун шундай ҳисоблашлар натижалари тасвирланган.



а)



б)

10-расм. Буғланиш тезлиги -а) ва буғланиш камераси иссиқлик самарадорлиги -б) ҳисобий қийматлари

Натижалар кўрсатдики, мазкур қурилма ишлаб-чиқариш қуввати тушувчи қуёш нурланиши оқим зичлигига боғлиқ равишда 2,0 кг/соат гача бориб, қуёш коллекторининг ҳар бир м² юзасидан йиғинди конденсат (чучук сув) чиқиши 12 л/кун миқдорни ташкил этади.

Ҳисобий натижаларнинг тажрибавий тасдиғини олиш учун, ишлаб чиқилган конструкция асосида, қурилманинг тажрибавий нусхаси яратилди ва зарурий тажрибавий тадқиқотлар олиб борилди.

Тажрибавий тадқиқотлар. Қурилманинг тажрибавий нусхаси 9-расмда тасвирланганидек, барча ўлчов асбоблари билан жиҳозланган. Тажрибавий тадқиқотлар натижаси мазкур кўп босқичли чучутгич унумдорлиги парниксимон чучутгичлардан икки баробардан юқори эканлигини кўрсатди.

Таҷрибавий тадқиқотлар натижалари ҳисобий натижалар билан мос эканлиги, умумий фарқ 7% дан ошмаслиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Наносуюқликли иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик физикавий хоссаларини ва уларнинг қуёш сув чучутгичлар иссиқлик техникавий кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида қуёш иссиқлик қурилмаларида иссиқлик ташувчи сифатида ишлатиш мақсадида, тегишли иссиқлик физикавий хусусиятларга эга бўлган наносуюқликли иссиқлик ташувчиларни олиш бўйича тадқиқотлар натижалари баён қилинган. Шунинг билан бирга, қуёш сув чучутиш қурилмалари иссиқлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида, наносуюқликли иссиқлик ташувчи ҳамда полимер материаллардан фойдаланган ҳолда қуёш коллекторининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Қуёш иссиқлик қурилмаларида одатдаги иссиқлик ташувчилар ўрнига наносуюқликлардан фойдаланиш янгича ёндошув ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қуёш иссиқлик қурилмаларида наносуюқликлардан фойдаланиб самарадорликни ошириш мумкин. Аммо, ҳатто маълум бир гуруҳ ёки категорияга мансуб наносуюқликлар учун ўринли бўлган ёки эмпирик боғлиқлик асосида барча ёки бир неча тип наносуюқликлар учун қўллаш мумкин бўлган, етарлича асосга эга бўлган натижалар мавжуд эмас.

Тадқиқотчилар наносуюқликларнинг қандай хусусиятлари билан иссиқлик узатишни жадаллаштиришни боғлашади? Биринчи навбатда бу нанозаррачаларнинг юқори иссиқлик ўтказувчанлиги билан боғлиқ. Умумий ҳолда иссиқлик узатиш муҳитнинг ламинар ёки турбулент оқими натижасида юзага келади. Бу жараёнларда ҳарорат ва босимнинг қийматлари кенг диапазонда ўзгариб туради ва энг муҳим чеклов анъанавий суюқликлар иссиқлик ўтказувчанлигининг пастлигидир.

Масалан, сув одатда ишлатиладиган суюқликлар орасида энг юқори иссиқлик ўтказувчанликка эга, ваҳолангки у хона ҳароратида $\sim 0,6 \text{ Вт/мК}$ га тенг, ҳамда бу қиймат 11-расмда кўрсатилганидек, металллар, метал оксидлари ва бир деворли углерод нанотрубкалари (SWCNT), иссиқлик ўтказувчанлигидан бир неча даража пастроқдир.

Наносуюқликларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ошишига таъсир қилувчи ҳажмий концентрация, материал, нанозаррачалар шакли ва ўлчами, асос суюқлиги хоссалари, температура, кислоталилик ва бошқа омилларнинг таъсирини ўрганиш бўйича ишлар давом эттирилди ва тадқиқ этилди.

Наносуюқликларга хос бўлган омиллар таҳлили, жумладан, седиментацион нобарқарорлик ва нанозаррачаларнинг ўзаро таъсирга мойиллиги шуни



11-расм. Энг кўп ишлатиладиган материаллар иссиқлик ўтказувчанлиги

кўрсатадики, бундай ўзаро таъсирни камайтириш ζ -потенциал қийматини танлаш йўли билан амалга оширилади, чунки нанозаррачалар агломерацияси наносуюқликлар иссиқлик ўтказувчанлиги-нинг ўзгаришига олиб келади.

SiO_2 ва Al_2O_3 нанозаррачалари асосидаги наносуюқликларни олиш ва уларнинг седиментацион хоссаларини тадқиқ этиш. Қуёш иссиқлик ўзгартгичларида иссиқлик ташувчи сифатида ишлатиш мақсадида SiO_2 ва Al_2O_3 нанозаррачалари ва сув асосидаги суспензиялар тайёрланди ва уларнинг седиментацион хусусиятлари ўрганилди.


Тайёрлаш босқичлари: **1-босқич** нанозаррачалар материални танлаш: манба материал сифатида (SiO_2 ва Al_2O_3) кукунлари танлаб олинди (12-расм). **2-босқич** танланган материаллар (SiO_2 ва Al_2O_3) нанозаррачалари ва сув асосида, турли концентрацияли суспензиялар тайёрлаш (13-расм). Бир хил суспензия олиш учун 20kHz частотали ултратовушли қурилма (Ultrasonic disintegrator UD-11) ёрдамида 7-12 минут давомида соникация жараёни ўтказилди.



Al_2O_3

SiO_2


12-расм. SiO_2 ва Al_2O_3 кукунли



13-расм. SiO_2 ва Al_2O_3 нанозаррачали асосидаги суспензиялар

3-босқич «Zetasizer Nano S90» ва «Mastersizer 2000» (Hydro 2000MU тарқатиш блокига эга заррачалар ўлчами анализатори) ўлчов асбоблари ёрдамида танланган материаллар (SiO_2 ва Al_2O_3) заррачалари ўлчамини аниқлаш. Мазкур ҳолда Al_2O_3 ва SiO_2 нанозаррачалари ўлчами аниқланди, улар мос равишда 50нм ва 12нм ни ташкил этди.

4-босқич суспензияларда седиментация жараёнини кузатиш. Суспензия бу кўп фазали коллоид тизим бўлиб, унда тарқоқ қаттиқ фаза суюқ дисперсияли муҳитда бир текис тақсимланади. Ўртача ўлчами 50нм бўлган, алюминий диоксиди нанозаррачалари асосида концентрацияси 1,0% дан 2,0% гача бўлган, ҳамда ўлчами 12нм ва 16нм бўлган кремний диоксиди нанозаррачалари асосида концентрацияси 1,5% бўлган суспензиялар тайёрланди. Седиментация жараёни турли вақт ораликларида кузатилди ва суспензия ҳолати қайд этиб борилди (14-расм). Натижалар, нанозаррачалар агломерацияси ва чўкма ҳосил бўлиш жараёнлари соникация жараёни давомийлигига, чўкинди миқдори эса суспензиядаги нанозаррачалар концентрацияси ва ўлчамига боғлиқлигини кўрсатди.




14-расм. Al₂O₃ ва SiO₂ нанозаррачалари асосидаги суспензиялар турли ўлчам ва концентрацияларида седиментация жараёни

(SiO₂+сув) наносуюқлигини олиш ва қовушқоқлигини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар. Ўлчами (7÷40нм) бўлган нанозаррачалар асосида олинган (SiO₂+сув) наносуюқликнинг динамик қовушқоқлиги айланма вискозиметрия услубида «НААКЕ RheoStress RS600» реометри ёрдамида аниқланди. Олинган натижалар температура ортиши билан тизим динамик қовушқоқлиги пасайишини, нанозаррачалар ҳажмий улуши ортиши билан ортишини кўрсатди. Концентрациянинг кичик қийматларида (SiO₂+сув) тизимнинг қовушқоқлиги амалда частотага боғлиқ эмаслиги аниқланди.

Наносуюқликли иссиқлик ташувчилардан фойдаланганда мавжуд ясси қуёш коллекторлари иссиқлик кўрсаткичларини ҳисобий тадқиқ этиш. Олинган (SiO₂+сув) наносуюқликнинг иссиқлик физикавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ясси қуёш коллектори кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ҳисоблашлар амалга оширилди. Гидродинамик таҳлил (CFD) ва иссиқлик техникавий ҳисоблашлар ўтказиш учун ясси қуёш коллектори CAD модели яратилди. Натижаларни таққослаш мақсадида ҳисоблашлар одатий иссиқлик ташувчи - сув ва наносуюқлик учун бажарилди. Маълумки, ҳисоблашлар қурилманинг ҳар бир ташкил этувчи қисми учун иссиқлик баланс тенгламалари тузиш услубига асосланган. Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, асосий тенгламалар «Solidworks Flow Simulation» дастури ёрдамида чекланган ҳажмли усул воситасида ишланади.

16-расмда атроф муҳит температураси 20°C, қуёш нурланиши оқим зичлиги 800Вт/м², иссиқлик ташувчи сарфи 10л/соат бўлганда ясси қуёш коллектори юзаси ва ҳажми бўйлаб ҳарорат тақсимоти тасвирланган.



16-расм. Ясси қуёш коллектори абсорбери ён девори -а), абсорбер юзаси -б), иссиқлик алмашгичдаги иссиқлик ташувчиси -с) да температуралар тақсимоти


Ҳисоблашлар натижалари юқорида қайд этилган шароитларда, ясси қуёш коллекторида сув ва наносуюқликдан фойдаланилганда температуралар фарқи 20°C гача боришини кўрсатди.

Полимер материаллар асосидаги ҳамда наносуюқликдан фойдаланиб ишловчи қуёш коллектори янги конструкцияси иссиқлик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ҳисобий ва тажрибавий тадқиқотлар. Ҳар хил турдаги қуёш коллекторларида материаллар ва иссиқлик ўтказувчанликнинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли материаллар яъни ПВХ (Поливинилхлорид), ПБ (полибутен), ва ПП-Р (PP-R: полипропилен рандом сополимер), кабилар молекуляр структурасига боғлиқ ҳолда турли иссиқлик ўтказувчанликка эга, иссиқлик ўтказувчанлик эса ўз навбатида материал қалинлигига ва коллекторда оқувчи муҳит оқим тезлигига боғлиқ. Шундай қилиб, коллекторнинг иссиқлик самарадорлиги материалга, уларнинг иссиқлик ўтказувчанлигига боғлиқ, бироқ паст ҳароратларда, шунингдек иссиқлик ташувчининг кичик оқим тезлигида, уларнинг таъсирини аҳамиятсиз деб ҳисоблаш мумкин. Бунга асосланиб, шуни таъкидлаш керакки, материал танлашда фақат иссиқлик ўтказувчанликка эътибор қаратмаслик лозим.

Биз икки контурли тизимларда, жумладан қуёш сув чучутиш қурилмаларида қўллаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, полимер материаллар асосидаги қуёш коллекторини ишлаб чиқиш ва яратиш, ҳамда сув чучутгичда иссиқлик узатишни жадаллаштириш мақсадида уларда наносуюқликли иссиқлик ташувчидан фойдаланиш масаласини қўйдик.

Мазкур вазифани бажариш учун 17-расмда кўрсатилган принципиал схемага биноан полимер материаллар асосидаги қуёш коллектори конструкцияси ишлаб чиқилди.


Ҳисобий тадқиқотлар. Коллектор иссиқлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун математик модел ишлаб чиқилди. Мазкур математик модел коллекторнинг ташкил этувчи қисмлари учун энергетик баланс дифференциал тенгламалар тизимига асосланган.



17-расм. Полимер қуёш коллектори абсорбери - а) ва рефлектори - б), ҳамда унинг умумий кўриниши

Ҳисоблашлар натижалари. Коллектор иссиқлик кўрсаткичларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган модел ёрдамида сонли ҳисоблашлар амалга оширилди ва натижалар 18-расмда келтирилган.


18-расм а) ва б) графиклардан кўринадикки, қуёш нурланиши оқим зичлиги ва атроф муҳит температурасининг мос қийматларида, абсорбернинг ва коллектор чиқишида иссиқлик ташувчининг максимал температуралари мос равишда 50°C ва 70°C ни ташкил этади.



18-расм. Кун давомиди абсорбер - ($T_{гс}$) ва коллектор чиқишидаги иссиқлик ташувчи ($T_{с}$) температураларининг ўзгариши

Тажрибавий тадқиқотлар. Шаффоф қоплама сифатида ҳарорат диапазони -40°C дан $+120^{\circ}\text{C}$ гача, максимал иссиқликдан кенгайиши ($\Delta T=80^{\circ}\text{C}$ да) $2,5\text{мм/м}$ ни ташкил этувчи, нур ўтказувчанлиги $70\text{-}82\%$ бўлган поликарбонат қўлланилди.


Полимер материал асосидаги наносуюқликли қуёш коллекторининг кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси иссиқлик кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. ($\text{Al}_2\text{O}_3+\text{сув}$) наносуюқлиги иссиқлик физикавий хоссалари. ($\text{Al}_2\text{O}_3+\text{сув}$) наносуюқлиги қовушқоқлиги $22,5^{\circ}\text{C}$ дан 45°C гача температура диапазонида ўлчанди.




19-расм. ($\text{Al}_2\text{O}_3+\text{сув}$) наносуюқлиги қовушқоқлигининг ҳажмий концентрацияга -а) ва температурага -б) боғлиқ ҳолда ўзгариши

19-расм а) да кўрсатилганидек, 20нм ўлчамли нанозаррачалар асосидаги, $0,1\%$ ҳажмий концентрацияли наносуюқлик қовушқоқлиги $1,20\text{мПа}\cdot\text{с}$ ни ташкил этиб, бу қиймат нанозаррачалар ўлчами 80нм бўлганда $1,10\text{мПа}\cdot\text{с}$ гача пасаяди. 19-расм б) да эса 65нм ўлчамли нанозаррачалар асосидаги, $0,5\%$ концентрацияли ($\text{Al}_2\text{O}_3+\text{сув}$) наносуюқлиги қовушқоқлиги $27,5^{\circ}\text{C}$ температурада сувнинг қовушқоқлигига нисбатан $27,47\%$ га ортади.

Иссиқлик ўтказувчанлик. 20-расм а) да кўрсатилганидек, 65нм ўлчамли нанозаррачали ($\text{Al}_2\text{O}_3+\text{сув}$) наносуюқлиги иссиқлик ўтказувчанлиги, $0,5\%$ ҳажмий концентрацияда $11,2\%$ га етади. 20-расм б) да температуранинг 25°C дан 50°C гача ортишида 65нм ўлчамли нанозаррачали ($\text{Al}_2\text{O}_3+\text{сув}$) наносуюқлиги иссиқлик ўтказувчанлигининг ортиши тасвирланган.



a)




б)

20-расм. (Al_2O_3 +сув) наносуюқлиги иссиқлик ўтказувчанлигининг ҳажмий концентрацияга -a) ва температурага - б) боғлиқлиги


Наносуюқликлар иссиқлик физикавий хоссаларини инобатга олиб, кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси иссиқлик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича сонли ҳисоблашлар амалга оширилди.

21-расмда қуёш коллектори чиқишида сув ҳамда наносуюқлик ҳароратларининг кунлик ўзгариши қиёсий қийматлари тасвирланган. Қуёш нурланиши оқим зичлигининг максимал қийматида ҳароратлар фарқи $7^{\circ}C$ гача боради.




21-расм. Сув ва наносуюқлик ҳароратлари кунлик ўзгариши

22-расмда наносуюқликли иссиқлик ташувчига эга полимер қуёш коллекторидан фойдаланганда кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси ҳар бир босқичидан чиқувчи конденсат миқдорининг кунлик a) ва ҳафталик б) ўзгариши тасвирланган.



a)



б)

22-расм. Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаси ҳар бир босқичидан чиқувчи конденсат миқдорининг кунлик - a) ва ҳафталик -б) ўзгариши

22-расмдан кўринадики, қурилманинг инерцияси ҳисобига конденсация жараёни ёки конденсат ҳосил бўлиши Қуёш ботгандан сўнг ҳам, яъни кечги пайта ҳам давом этади.

Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасининг, иссиқлик ташувчиси сув бўлган қуёш коллектори ва янги наносуюқликли иссиқлик ташувчига эга полимер қуёш коллекторидан фойдалангандаги, ишлаб-чиқариш қуввати ва иссиқлик самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иккинчи ҳолатда унумдорлик 15-20% га ошади, тан нархи эса икки баробарга пасаяди.

Диссертациянинг «Тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмалари» деб номланган тўртинчи бобида тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмалари энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш ва уларнинг унумдорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари, мазкур қурилма энергетик ва эксплуатацион кўрсаткичларини оптималлаштириш ва тегишли қисмларини танлаш бўйича ҳисобий-тажрибавий тадқиқотлар натижалари, шунингдек унумдорлиги 100 литр/кун бўлган тажриба нусхасида ўтказилган тажрибалар натижалари ҳамда қурилманинг қуёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгарткичларга эга янги конструкцияси бўйича маълумотлар баён қилинган.


Тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмалари замонавий конструкциялари таҳлили. Мазкур турдаги қуёш сув чучутиш қурилмалари энергия таъминотига кўра уч гуруҳга бўлинади: 1) қуёшли Ренкин цикли асосида ишловчи тизимлар; 2) қуёш фотоэлектрик ўзгарткичлар ҳисобига ишловчи тизимлар; 3) бирлашган манбалардан (хусусан, шамол турбинаси ва қуёш фотоэлектрик станцияси) олинadиган энергия ҳисобига ишловчи тизимлар.

Ренкин циклида ишчи суюқлик сифатида сув ёки органик таркибли суюқлик ишлатилади, ваҳолангки бошқа турдаги органик ва ноорганик суюқликлар ҳам қўлланиши мумкин. Ренкин циклида органик ишчи суюқликларнинг афзаллиги шундаки, улар паст ҳароратларда ишлайди. Қуёш фотоэлектрик ўзгарткичлар ҳисобига ишловчи тизимлар жамлагичлар билан ёки уларсиз, ҳамда энергияни регенерация қилиш блокига эга бўлиши мумкин. Мазкур тизимлар бошқа сув чучутиш услубларига нисбатан энергияни кам сарфлайди.

Қуёш ва шамол энергиясидан биргаликда фойдаланувчи тизимлар ҳудуднинг муайян шароитларида бундай тизимлар техник ва иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатдан бошқаларига қараганда афзалроқдир.

Дунё амалиёти ва маҳаллий бозорни таҳлил қилиш асосида, шунингдек, табиий, метеорологик ва техник-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда, унумдорлиги 100 литр/кун бўлган, узоқ ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун автоном тизим сифатида, қуёш фотоэлектрик ўзгарткичга эга, тескари-осмос жараёнига асосланган сув чучутиш қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди.

Қурилманинг принципаал схемаси 23-расмда тасвирланган. Қурилма иккита асосий қисмга эга: *энерготаъминот* - фотоэлектрик панел, контроллер, аккумулятор ва калитдан иборат; ҳамда *чучутиш* - бусстер насоси, 3 та дастлабки филтрлар, мембрана ва сўнги филтрга эга 5 босқичли тескари осмос тизими.



23-расм. Тескари-осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмаси принципаал схемаси:

1-фотоэлектрик панел; 2-контроллер; 3-Аккумулятор; 4-калит; P-бусстер насоси; 5-тескари осмос тизими; F₁, F₂, F₃ дастлабки филтрлар; F₄-сўнги филтр.



**24-расм. Қурилма тажрибавий нусхаси
умумий кўриниши⁷**

Тескари-осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиши қурилмаси тажриба нусхасининг тавсифи ва ишлаш принципи. Унумдорлиги 100 литр/кун бўлган қурилманинг тажрибавий нусхаси умумий кўриниши 24-расмда тасвирланган. Тизимни самарали йиғиш учун қурилма қисмларини танлашда техник муҳандислик ҳисоблашлар амалга оширилди.

Қурилма тажрибавий нусхаси қуйидаги қисмлардан тузилган: максимал қуввати 50Вт бўлган қуёш фотоэлектрик панели, аккумулятор (24В , $8\text{А}\cdot\text{ч}$), бусстер насоси (кучланиш 24В , ўзгармас ток 0.6А , оқим тезлиги $50\text{-}60\text{л/соат}$, босим $345\text{-}550\text{кПа}$). Сув тўғридан-тўғри манбадан ёки ер ости сув ҳавзасидан олинади.


Қурилма қуйидаги умумий ўлчамларга эга: $125\text{-}60\text{-}60\text{см}$ йиғилган ҳолатда, вазни $35\text{-}40\text{ кг}$ атрофида. Кўчириш бино ичида ва ташқарисида ишлатишга қулай, фақат қуёш панели юзасига қуёш нурланиши тушишини таъминлаш лозим бўлади.

Тескари-осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиши қурилмаси иш режимини температурага боғлиқ равишда оптималлаштириши. 24-расмда келтирилган фотоэлектрик ўзгаргичга эга тескари-осмос жараёнига асосланган сув чучутгич қурилмасининг энергетик таҳлили натижасида умумий энергетик йўқотишларнинг 21% га яқини мембрана модулида юз бериши аниқланди. Бу ерда ҳарорат диапазони муҳим аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳарорат ортиши билан шўр сувнинг қовушқоқлиги пасаяди, натижада ғовақлардан ўтиш янада юмшоқлашади ва бу энергетик йўқотишлар камайишига олиб келади. Сувнинг динамик қовушқоқлиги 20°C ҳароратда тақрибан $1,0\text{ мПа}\cdot\text{с}$. ни ташкил этса, бу кўрсаткич 40°C ҳароратда $0,65\text{ мПа}\cdot\text{с}$. гача пасаяди, яъни 35% га, бу эса гидравлик йўқотишларни камайишига олиб келади. Натижада бу мембрана орқали бўлаётган сув оқими учун сарфланаётган энергия миқдорининг камайишига олиб келади.

Тажрибавий тасдиғини олиш учун тегишли тажрибалар амалга оширилди, натижада ҳарорат ортиши билан насос қувватининг пасайишига мембрана орқали сув оқимининг ортиши, яъни 10°C ҳароратда 16л/соат дан, 40°C да 24л/соат гача ортиши кузатилди. Шунингдек, тажрибалар натижаси сув температурасининг 20°C дан 40°C гача ортганида ҳажм бирлигидаги сув учун сарфланаётган энергия сарфи $2,1\text{кВт}\cdot\text{ч/м}^3$ дан $1,65\text{кВт}\cdot\text{ч/м}^3$ гача, яъни 22% га камайишини кўрсатди.

⁷Автономная водоопреснительная установка. № FAP 00891, 28.03.2014г.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тескари-осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмаси конструкциясининг 25-расмда тасвирланган янги принципиал схемаси ишлаб чиқилди.



25-расм. Қуёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгартгичлар билан жиҳозланган, тескари осмос жараёнига асосланган, қуёш сув чучутиш қурилмаси принципиал схемаси:

ФЭС - фотоэлектрик станция; ФЭП - фотоэлектрик панел; КЗ - контроллер; ИН - инвертор; АБ - аккумулятор; БПС - ҳисоблагич ва калитли блок; ЦВН - сув насоси; БВН - бустер сув насоси; ПВН - сув насоси; СК - қуёш коллектори; В - бурагич; К - компенсатор; ИВ - сув (манба); КВ - шур сув; ПВ - чучук сув; ПФ - дастлабки филтр; ПОФ - сунги филтр; ООМ - мембрана; ДДТ - босим ва ҳарорат датчиги; ДВ - сув улчагич; БУПД - бошқариш ва маълумотларни узатиш блоки.

Мазкур қурилмада мембранага берилувчи шўр сувни қуёш коллектори ёрдамида дастлабки иситиш босқичидан ўтказилади. Бундай схема ёрдамида оптимал ишчи ҳарорат таъминланади, яъни паспорт маълумотларига асосан, ўзгариш диапазони 25°C дан 35°C гача бўлган мембрана модулидаги ҳароратнинг оптимал қиймати таъминланади.

Сувнинг сифат таҳлили. Ишлаб чиқилган, тескари осмос жараёнига асосланган қуёш сув чучутиш қурилмаси ёрдамида олинган чучук сув сифати таҳлили амалга оширилди. Республиканинг турли ҳудудларидан шўр сув намуналари (ер ости ресурсларидан) тўпланиб, чучуклаштиришгача ва қурилма ёрдамида чучуклаштирилгандан сўнг намуналар Бухоро вилояти СЭОМга жўнатилди ва ўрнатилган тартибда сув сифати бўйича ўлчаш ва таҳлиллар амалга оширилди, тегишли маълумотномалар олинган.

Диссертациянинг «Қуёш сув чучутиш қурилмаларининг техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи боби қаралаётган қуёш сув чучутиш қурилмалари техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари таҳлилига бағишланган. Ҳисоблашлар хомашё, материаллар ва маҳаллий бозорда мавжуд қисмлар, шунингдек қурилмани яратиш учун талаб этиладиган харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Шу билан бирга, марказлашган ичимлик суви таъминоти тизимига уланмаган ҳамда турли хил етказиб бериш усуллари ёрдамида таъминланаётган, ҳудудларда ичимлик сувининг нархи ҳам инобатга олинган.

Натижалар шуни кўрсатдики, парниксимон қурилма учун қоплаш муддати 0,2 дан 1,1 йилгачани ташкил этди. Кўп босқичли қурилма учун дастлабки харажатлар миқдори кўпроқ бўлгани сабабли, ушбу кўрсаткич парниксимон

қурилмага нисбатан узоқроқ бўлиб, 0,36 дан 1,5 йилгачани ташкил этади. Тескари осмос жараёнига асосланган қурилма учун эса, дастлабки харажатлар миқдори кўп бўлишига қарамасдан, қурилманинг унумдорлиги бошқалардан юқорилиги ҳисобига, ушбу кўрсаткич 0,13 дан 0,48 йилгачани ташкил этади.

Қуёш сув чучутиш қурилмаларининг экологик кўрсаткичлари. Қуёш сув чучутиш қурилмаларидан ичимлик суви таъминоти тизимида фойдаланиш анъанавий ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш билан бир қаторда атроф муҳитга CO₂ оқимини камайтириш имконини яратади. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, парник типигадаги қуёш сув чучутгичидан фойдаланиш ҳисобига атроф муҳитга CO₂ оқимининг камайиши, мос равишда, кўмирдан фойдаланишга қараганда йилига 400кг дан 467кг гача, газдан фойдаланишга нисбатан эса йилига 113кг дан 132 кг гача миқдорни ташкил этади. Бу кўрсаткич кўп босқичли чучутгич учун, мос равишда, кўмирдан фойдаланишга қараганда йилига 935кг дан 1002кг гача, газдан фойдаланишга нисбатан эса йилига 265кг дан 284кг гача миқдорни ташкил этади. Тескари осмос жараёнига асосланган қурилма учун эса мазкур кўрсаткич, кўмирдан фойдаланишга қараганда йилига 6679кг дан 13358кг гача, газдан фойдаланишга нисбатан эса йилига 1894кг дан 3787кг гача миқдорни ташкил этади.

Қаралаётган қуёш сув чучутиш қурилмалари қоплаш муддатларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Ҳозирги шароитда чекка ҳудудлар аҳолиси учун ичимлик суви сифатини ошириш мақсадида, қуёш сув чучутиш қурилмаларини яратиш ва улардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан рентабел ҳисобланади. Шу билан бирга юқорида қаралган қуёш сув чучутиш қурилмаларини яратиш ва улардан аниқ шароитларда фойдаланиш бўйича қўшимча таҳлил олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги асосий хулосалар чиқарилди:

1. Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмаларида юз берувчи иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, эксергетик баланс асосида, уларнинг иссиқлик режимлари математик модели ишлаб чиқилди, натижада мазкур қурилма ишлаб-чиқариш қувватининг температурага боғлиқлиги аниқланди, уларнинг иссиқлик самарадорлигини аниқлаш бўйича сонли ҳисоблашлар амалга оширилди.

2. Қуёш иссиқлик қурилмаларида, шунингдек қаралаётган қуёш сув чучутиш қурилмаларида уларнинг температура режимлари 40°C дан 90°C гача диапазонда ўзгариши аниқланди ва уларда иссиқлик ташувчи сифатида ишлатиш мақсадида оксид материаллар (SiO₂ ва Al₂O₃) нанозаррачалари асосидаги наносуюқликлар таклиф этилди.

3. Қаралаётган қуёш сув чучутиш қурилмасида иссиқлик манбаи сифатида ишлатиш учун полимер материаллар (полиамид ва поликарбонат)га асосланган ҳамда наносуюқликли иссиқлик ташувчига эга қуёш коллекторининг янги

конструкцияси ишлаб чиқилди, наносуюқликларнинг иссиқлик физикавий хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазкур коллектор иссиқлик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ҳисоблашлар бажарилиб, натижада қуёш нурланиши оқим зичлиги ва температурага ҳамда нанозаррачалар концентрациясига боғлиқ равишда иссиқлик узатишнинг 12% дан 22% гача ортиши аниқланди.

4. Кўп босқичли қуёш сув чучутиш қурилмасининг такомиллаштирилган, наносуюқликли иссиқлик ташувчига эга полимер қуёш коллектори билан жиҳозланган, иссиқлик самарадорлиги 15% га ошган, янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва тажриба нусхаси яратилди, натижада ишлаб-чиқариш қуввати ҳар бир кв.м. юзадан 8,0 литрни ташкил этиши аниқланди.

5. Илк бор тескари осмос жараёнига асосланган, қуввати 50Вт бўлган қуёш фотоэлектрик ўзгарткич билан жиҳозланган, қуёш сув чучутиш қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди. Натижада ишлаб-чиқариш қуввати кунига 100 литрни ташкил этувчи қурилманинг тажрибавий нусхаси яратилди.

6. Тескари осмос жараёнига асосланиб ишловчи қуёш сув чучутиш қурилмасида сувнинг температурасига боғлиқ равишда, мембрана модулида юз берувчи энергия йўқотишлари қурилма умумий энергия сарфининг 21% ни ташкил этиши ва қурилманинг температурага боғлиқ бўлган мақбул (25°C-35°C диапазонда) иш режимлари аниқланди, натижада қурилма конструкциясининг қуёш иссиқлик ва фотоэлектрик ўзгарткичлардан фойдаланувчи янги принципаал схемаси ишлаб чиқилди.

7. Ишлаб чиқилган қуёш сув чучутиш қурилмаларининг техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Мазкур қурилмалар қоплаш муддатлари, конструкциясига боғлиқ равишда 0,2 дан 1,5 йилгача муддатни ташкил этади. Улардан фойдаланиш атроф муҳитга CO₂ оқимини йилига 13358кг гача камайтиришга олиб келиши аниқланди. Мазкур қурилмалардан республиканинг чекка ҳудудларида автоном ичимлик суви таъминоти тизими сифатида фойдаланиш иқтисодий рентабел ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/27.022020.FM/T.110.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НПО «ФИЗИКА-СОЛНЦЕ» АН РУз**

ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АХАТОВ ЖАСУРЖОН САИДОВИЧ

**ОПРЕСНЕНИЕ СОЛЕННЫХ ВОД В СИСТЕМАХ ПИТЬЕВОГО
ВОДОСНАБЖЕНИЯ С ПОМОЩЬЮ ТЕПЛОВЫХ И
ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ
СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ**

**05.05.06 - Энергоустановки на основе возобновляемых
видов энергии**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.DSc/T44.

Диссертация выполнена в Физико-техническом институте Академии наук РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fti.uz/) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net/uz).

Научный консультант: **Лутпуллаев Сагдулла Лутфуллаевич**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Искандаров Зафар Самандарович**
доктор технических наук, профессор

Кенжаев Идирисбек Гуламович
доктор технических наук, профессор

Рахимов Рустам Хакимович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 при НПО «Физика-Солнце» АН РУз. Адрес: Ул. Чингиза Айтматова 2б. 100084, г.Ташкент, Узбекистан. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./Факс: (+99871)235-42-91, e-mail: info.fti@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирован за №___). Адрес: Ул. Чингиза Айтматова 2б. 100084, г.Ташкент, Узбекистан. Физико-технический институт. Тел./Факс: (+99871)235-42-91.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года
(протокол рассылки ___ от _____ 2021 года).

Р.А. Захидов

Вр.и.о. Председатель научного совета по присуждению ученых степеней д.т.н., профессор, академик

Н.Ш.Саидхонов

Вр.и.о. Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

М.Н. Турсунов

и.о. Председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в настоящее время одной из глобальных проблем является обеспечение населения качественной питьевой водой. Согласно данным ООН¹, в засушливых регионах Земли проживают более 1млрд. чел., а дефицит воды испытывают 1/3 населения планеты более чем в 50 странах мира. Вместе с другими способами решения данного вопроса, опреснение соленых вод является реальной технической задачей, при реализации которой необходимо учитывать энергопотребность различных технологий. Научные исследования, направленные на разработку и создание автономных систем питьевого водоснабжения для населения отдаленного от централизованных систем энергообеспечения и питьевого водоснабжения с использованием возобновляемых источников энергии имеет важное значение. Поскольку, использование возобновляемых источников энергии, в том числе солнечной энергии, приводит к экономии углеводородных топливно-энергетических ресурсов и к улучшению социального состояния населения регионов. В данной сфере интенсивно ведутся исследования по широкому использованию солнечных тепловых и фотоэлектрических преобразователей для опреснения соленых вод, с применением различных методов опреснения.

В мировой практике большое внимание в этой области уделяется повышению эффективности процессов опреснения, с учетом различных его технологий. Среди этих технологий метод обратного осмоса имеет лидирующую позицию с долей 60%, а многоступенчатая дистилляция вторую позицию с 26,5%-й долей от общей уставленной мощности². Если общая установленная мощность опреснительных установок в 2017году составляло 79 миллионов м³ в день, к 2019 году достигло 97,4 миллионов м³ в день³. Актуальными задачами в этой сфере считаются научные исследования, направленные на разработку водоопреснительных установок, работающих за счет возобновляемых источников энергии.

В Узбекистане большое внимание уделяется развитию инновационных технологий в сфере использования возобновляемых источников энергии, в том числе в разработке и создании солнечных опреснительных установок, разработке научно-инженерных основ моделирования тепло-и массообменных процессов в них, оптимизации их конструктивных и теплотехнических параметров, а также повышению их эффективности при использовании в системах питьевого водоснабжения. В данном направлении, в частности, в разработке и создании новых поколений солнечных опреснительных установок, с использованием современных материалов, а также с комбинированным использованием солнечных тепловых и фотоэлектрических преобразователей в целях повышения тепловой эффективности и производительности автономных

¹ World Water Resources and their Use, UNESCO. URL: <http://www.unesco.org>

² International Desalination Association (IDA) Year Book -2016-2017. URL: [//www.idadesal.org](http://www.idadesal.org)

³ International Desalination Association (IDA) Year Book -2018-2019. URL: [//www.idadesal.org](http://www.idadesal.org)

систем питьевого водоснабжения, достигнуты значительные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены задачи⁴ «...широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии...». Реализация этих положений, в том числе, по повышению производительности и эффективности солнечных опреснительных установок, а также оптимизация их теплотехнических параметров считаются важнейшими задачами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, предусмотренным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2910 от 20 апреля 2017 года «О Программе комплексного развития и модернизации систем питьевого водоснабжения и канализации на 2017-2021 гг.», № ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сферы на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Исследования в рамках данной диссертационной работы выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: IV. «Развитие методов использования возобновляемых источников энергии, создание технологий и устройств на основе нанотехнологии, фотоники и других передовых технологий».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации⁵.

Научные исследования по разработке, моделированию тепло и массообменных процессов, оптимизации теплотехнических характеристик солнечных опреснительных установок проводятся во многих научно-исследовательских центрах мира: Университет Аризона, Висконсинский университет, Университет южной Флориды (США), Исследовательский центр имени М.В. Келдыша, Кубанский государственный университет (Россия), Фраунгоферовский институт, Университет Ахена, Университет прикладных наук Карлсруэ (Германия), Автономный университет Мадрида, Научный центр

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

⁵ Обзор международных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе следующих источников: Даффи Дж., Бекман У. Основы солнечной теплоэнергетики. Пер. санг. – Долгорудный: Издательский дом «Интеллект», 2013. –С. 888; A review of the water desalination systems integrated with renewable energy”, Energy Procedia, Vol. 110, pp. 268-274, 2017; Present status of Solar Distillation. Solar Energy 75 (2003) 367-373; Multi-objective optimization of solar Rankine cycles coupled with reverse osmosis desalination considering economic and life cycle environmental concerns. Desalination 2012, 286, 358–371; Renewable energy-driven desalination technologies: A comprehensive review on challenges and potential applications of integrated systems”, Desalination, Vol. 356, pp. 94–114, 2015; <https://idadesal.org>; <https://irena.org>; <http://www.ren21.net>; <http://www.edsoc.com>; <http://www.iwmi.cgiar.org> и др.

Plataforma solar de Almeria at CIEMAT (Испания), Эдинбургский университет, Манчестерский университет (Великобритания), Технион - технологический университет Израиля (Израиль), Ближневосточный технический университет (Турция), Институт электротехники Китайской академии наук (Китай), Токийский технологический институт (Япония), Национальный центр солнечной энергии (Индия), НПО «ГУН» (Туркменистан), НПО «Физика-Солнце» АН РУз (Узбекистан) и других.

В результате выполненных исследований по разработке и созданию солнечных опреснительных установок в мире получен ряд научных результатов, в том числе разработаны и созданы солнечные опреснительные установки с пирамидообразным светопрозрачным покрытием (Университет Южной долины, Египет), разработаны солнечные опреснительные установки, комбинированные с выпарными установками (Университет Аризона, США; Университет Ганновера, Германия), разработаны солнечные коллекторы, работающие по принципу DASC – «Direct absorption solar collector», с использованием наножидкостей, результаты которых показали значительное увеличение их КПД (Университет Нового Южного Уэльса Австралия). Разработаны солнечные обратно-осмотические опреснители на основе цикла Ренкина (Высший технический институт, Кипр; Университет Ла Лагуна, Тенерифе, Испания), разработаны и созданы обратно-осмотические системы с фотоэлектрическими преобразователями (Центр возобновляемых источников энергии (CRES), Греция; Технологический институт Карлсруэ, Германия), разработаны комбинированные обратно-осмотические системы работающие за счет энергии ветра и солнечного излучения (Афинский сельскохозяйственный университет, Греция).

В мире в настоящее время проводятся научные исследования по разработке и созданию опреснительных установок, работающих за счет энергии солнечного излучения с эффективным использованием солнечных тепловых и фотоэлектрических преобразователей, с учетом специфики местоположения, топографии и технических возможностей ресурсов ВИЭ.

Степень изученности проблемы. До настоящего времени вопросы, касающиеся теплового преобразования энергии солнечного излучения и использования ее для опреснения воды, изучались в Центре энергетических исследований Индийского технологического института (Индия), где разработан метод теплового расчета и определение производительности и тепловой эффективности солнечных опреснительных установок; в Ближневосточном исследовательском центре опреснения (Оман), где разработана математическая модель рабочего режима одноступенчатой солнечной опреснительной установки с переливом соленой воды между слоями двухслойного светопрозрачного ограждения; в Университете Мердока (Австралия), где выполнены работы по определению оптимальных параметров, влияющих на эффективность и стоимость установок, как ориентация коллектора и глубина соленой воды в поддоне опреснительной установки, толщина изоляции донной части опреснителя и др.

При разработке солнечных водоопреснительных установок различной конструкции, исследованиях их теплотехнических, экологических и экономических характеристик расчетным и экспериментальным путем, достигнуты существенные успехи учеными, среди которых следует отметить В.Б. Вейнберга, В.В. Вейнберга, К.Т. Трофимова, В.А. Баума, Г.Я. Умарова, П.М. Брдлика, Р.Б. Байрамова, А.Н. Текучева, Авезова Р.Р., Б.М. Ачилова, А.Б.Вардияшвили, Т.Д. Жураева, Ш.И. Клычева, А.Исманжанова и др.

В научных исследованиях в этой области, несмотря на многочисленные работы по созданию различных конструкций солнечных опреснительных установок, не уделено должное внимание вопросам касающимся регенеративного использования теплоты с помощью многоступенчатых систем, что приводит к определенному увеличению их производительности. В этих исследованиях практически не рассмотрены задачи, связанные с интенсификацией процессов теплоотдачи в опреснительных установках за счет использования наножидкостных теплоносителей. Также недостаточно изучено комбинированное использование солнечных тепловых и фотоэлектрических преобразователей для обеспечения эффективной работы и повышения производительности солнечных опреснительных установок.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ. Исследование выполнено в рамках заданий Физико-технического института Академии наук Республики Узбекистан: -А13-Ф-096 «Разработка и создание опытного образца солнечной водоопреснительной установки работающей по методу обратного осмоса» (2009-2011 гг.); -М/Узб-КНР-19/2015 «Исследование теплофизических свойств наножидкостных теплоносителей и их влияния на теплотехнические характеристики низкопотенциальных солнечных установок» (2016-2017 гг.) и ФА-Атех-2018-422 «Разработка технологии получения и эффективного использования наножидкостных теплоносителей в солнечных тепловых преобразователях» (2018-2020 гг.).

Целью исследования является моделирование тепло и массообменных процессов в солнечных опреснительных установках, разработка способов повышения их эффективности, определение их теплотехнических и технико-экономических характеристик, а также оптимальных режимов работы.

Задачи исследования:

моделирование тепло и массообменных процессов, происходящих в соответствующих узлах многоступенчатых солнечных опреснителей, определение их теплотехнических характеристик на основе эксергетического анализа;

разработка и создание опытных образцов и проведение экспериментальных исследований по определению производительности и тепловой эффективности многоступенчатых солнечных опреснителей;

получение наножидкостей на основе наночастиц оксидных материалов и изучение их теплофизических свойств в целях их использования в качестве

теплоносителя в солнечных тепловых установках, в том числе в солнечных опреснительных установках;

разработка новой конструкции солнечного коллектора на основе полимерных материалов с использованием наножидкостных теплоносителей, используемого в качестве теплового источника многоступенчатой солнечной опреснительной установки;

